



## XALQ DEPUTATLARI SIRDARYO VILOYATI KENGASHI Q A R O R I

100120, Guliston sh., IslomKarimov k, 60 uy, tel: (67)225-33-51, 225-06-78, e-mail: [sirdaryo@exat.uz](mailto:sirdaryo@exat.uz)

2021 yil 15 mart

113/19-6-son

Guliston sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4936-сонли қарорига асосан Гулистон шаҳрида “Президент мактаби”ни қурилиши бўйича вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғининг ахбороти ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4936-сонли қарорига асосан Гулистон шаҳар Шодлик МФЙ А.Навой шох кўчасида “Президент мактаби”ни қурилиши белгиланган бўлиб, вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига асосан қурилаётган мазкур улкан иншоотда 85 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

“Президент мактаби” 3 та асосий корпусдан иборат жами 168 ўқувчи ўринга мўлжаллаб, замонавий услубда, миллий ва жаҳон меъморчилигининг энг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилади. Барча ўқув синфхоналари ва лабораториялар мос тарзда жиҳозланади. Уларнинг дизайни, техник-ўқув услубий таъминланишига жиддий эътибор қаратилади. Бир қарашда мактабнинг оддий доскасидек туюлган ускуна бир вақтнинг ўзида ҳам электрон доска ҳам компьютер вазифасини ўтади. Мактабда болаларнинг тўлақонли таълим олиши, ўқишга, изланишга бўлган иштиёқини янада кучайтириш учун зарур бўлган барча шароитлар яратилади.

Ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилади. Гимнастика ва жисмоний тарбия зали, сузиш ҳавзаси, баскетбол, мини футбол, теннис майдончалари, спортнинг бошқа бир қатор турлари билан шуғулланиш имконини берувчи зал ва жиҳозлар ёшлар ихтиёрида бўлади.

Мактабнинг 3-корпусида ётоқхона ва меҳмонхона ўрин олади. Болаларнинг яшаш жойлари ғоят шинам бўлади. Миллий ва хорижий ўқув адабиётлари, бадий китобларга эга кутубхона ташкил этилади. Турли маданий-маърифий тадбирлар, анжуманлар ўтказиш шохобчалари билан бирга 3 та замонавий дам олиш ҳудуди ташкил этилади. Мактаб назорат

пункти, алоҳида трансформатор подстанцияси ва ўз автотураргоҳига эга бўлади. Алоҳида иситиш қозонхонаси қурилади.

Бош пудратчи кўп тармоқли қурилиш корхонаси бунёдкорлари билим даргоҳининг лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган қурилиш-монтаж ишларини жорий йилнинг 1 сентябрга қадар якунлаб, фойдаланишга топшириши режалаштирилган.

“Президент мактаби” Бош режасига асосан бузилиш ҳудудига тушган А.Навоий шоҳ кўчасида жойлашган Транспорт вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармасини ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Кўз касалликлари” шифохонасини бошқа ҳудудга кўчириш ҳамда улар жойлашган ер майдонларини ажратиш зарурлигини кўрсатиб ўтилди.

Шу сабабли, вилоят Транспорт бошқармаси ҳамда “Кўз касалликлари” шифохонаси жойлашган ер майдонлари Гулистон шаҳар ҳокимлиги захирасига олиниб, кейинчалик “Президент мактаби” ҳудудига кирувчи ер сифатида ажратилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди

Бундан ташқари вилоят Транспорт бошқармаси ҳамда “Кўз касалликлари” шифохонаси биноларини Гулистон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфига ўтказиб, бузилишга тушган маблағларни Гулистон шаҳарни ободонлаштириш ишларига йўналтириш тавсия этилади.

Ахборотда баён этилганларни, депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалардани инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Гулистон шаҳарида “Президент мактаби”ни қурилиши бўйича Сирдарё вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи А.Худойназаровнинг ахбороти асос учун қабул қилинсин.

2. Ишлаб чиқилган бош режага асосан “Президент мактаби”га қўшимча ер майдони зарурияти туфайли Гулистон шаҳар Шодлик маҳалласи А.Навоий шоҳ кўчасида жойлашган Транспорт вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармасининг 1220,48 кв.метр умумий ер майдони ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Кўз касалликлари” шифохонасини 3000, кв.метр умумий ер майдони давлат эҳтиёжлари учун Гулистон шаҳар ҳокимлиги захирасига олинсин.

3. Заҳирага олинаётган ер майдонида жойлашган вилоят Транспорт бошқармаси ҳамда “Кўз касалликлари” шифохонаси жойлашган маъмурий биносини Гулистон шаҳар ҳокимлиги тасарруфига ўтказиши маъқуллансин.

4. Вилоят адлия бошқармасидан вилоят Транспорт бошқармаси ҳамда “Кўз касалликлари” шифохонаси жойлашган маъмурий бинолари бузиб ташлаш тўғрисида белгиланган тартибда хулоса бериши сўралсин.

5. Вилоят Транспорт бошқармаси ҳамда “Кўз касалликлари” шифохонаси маъмурий биноларини Гулистон шаҳар ҳокимлиги тасарруфига ўтказиш бўйича **ишчи гуруҳи таркиби** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Гулистон шаҳар ҳокимлиги (Т.Дадабаев):

Вилоят Фавкулотда вазиятлар бошқармаси билан биргаликда вилоят Транспорт бошқармаси ҳамда “Кўз касалликлари” шифохонаси эски маъмурий биноларини бузиб олиш жараёнида хавфсизлик чораларини кўрсин;

Гулистон шаҳар ҳокимлиги, вилоят Транспорт бошқармаси ҳамда “Кўз касалликлари” шифохонаси ўртасида ерни олиб қўйиш муносабати билан компенсация тури, миқдори ва бериш муддати, янги бино учун ер ажратиш тўғрисидаги келишув тузиш ҳамда ушбу келишувни нотариал орқали тасдиқлатиш ишларини амалга оширсин.

7. Давлат кадастр палатаси Сирдарё вилояти бошқармаси (Н.Исмаилов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Ж.Ғойипов)ларга вилоят Транспорт бошқармаси ҳамда “Кўз касалликлари” шифохонаси маъмурий биноларини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан чиқариш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу қарор ижросини ташкиллаштириш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосарлари (А.Каримов, А.Ходжиматов) ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссия раиси (Б.Собиров) зиммасига юклатилсин.

**Сессия раиси**



**М. Ходжиев**

*Халқ депутатлари  
Сирдарё вилоят Кенгашининг  
2021 йил 15-мартдаги  
113/19-б-сонли қарорига  
ИЛОВА*

**Гулистон шаҳар “Шодлик” маҳалласи “А.Навоий шоҳ” кўчаси  
худудида “Президент мактаби”нинг ишлаб чиқилган бош режасига  
асосан ушбу худудда жойлашган Транспорт вазирлигининг вилоят  
худудий бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг  
“Кўз касалликлари” шифохонаси маъмурий биноларини  
Гулистон шаҳар ҳокимлиги тасарруфига ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи  
ТАРКИБИ**

<b>Ф.И.Ш</b>	<b>Лавозими</b>
1. Т.Дадабаев	Гулистон шаҳар ҳокими, <b>гуруҳ раҳбари</b>
2. Ф. Қаршибаев	Гулистон шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари
3. Б. Муратов	Гулистон шаҳар ҳокими ўринбосари
4. О. Эрбеков	Сирдарё вилояти транспорт бошқармаси бошлиғи
5. Р. Йўлдашев	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
6. Я. Юнусов	Шаҳар “Ермулккадастр” ДК раҳбари
7. Ж. Ражабов	Шаҳар ДСИ бошлиғи
8. Ж. Тўхтаев	Шаҳар Қурилиш бўлими бошлиғи
9. З. Умарқулов	Гулистон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи
10. С. Шукуров	Сирдарё вилоят транспорт бошқармаси бош ҳисобчиси
11. Д. Мухаммадиев	Гулистон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бош ҳисобчиси